Инкилоб тўлкунининг мудхиш зарбалари билинарлик даражада секинлашган шу замонда ишлар ўз табииий йўлига кирган кабидир. Шу каторда табиий ўларок мактаб ва талабалик жараёни хам асосий чизикларга туша бошлади. Энди битта-яримта тузуккина мактаблар кўринмакда, турли шахарларда жиддий ўкуш толиблари давом этмакдадир. Самарканд вилоят билим юрти эшитганимизга кўра бу йил кенгайтирилиб, уч юзга якин талаба кабул килиб, тўккиз йиллик бир иш мактаби курулмокчи ва хоказо.
Мактаб хаётининг энг мухим нуктаси бўлгоп илмий тарафи хам бултургиларга карагонда оз-моз жонланмокда ва баъзи ташаббускор маорифчиларнинг харакатлари соясида ташкаридан муаллимлар кетурмакда ва уларнинг таъмини учун тиришилмокдадир. Буларнинг устига Кофкозёга ва ички Русияга талабалар хар йилгидан кўбрак юборилмокда, хатто Бакуда Самарканд вилояти ўкугувчиларининг таъмини учун ўттиз кишилик ётокхона тузулмакдадир. Бу сўнгги вокеа Туркистоннинг ўкугувчи хаёти йўлида жуда катта кадам саналиши мумкин. Чунки барчаси маълумки, Туркистоннинг ўзида бошлангич мактабларимиз бўлса-да, бу кунги олий тахсил кўриш орзусида бўлгон ёшларнинг эхтиёжини коплаб олатургон мактабларимиз йўк. Бунинг учун бирдан-бир чора, табиий, хорижга талабалар юборишдир.
Масковда Туркистон хукумати таъминоти билан яшайтургон ўкугувчилар бўлса хам, халигача Кофкозё учун йўк. Кўб ташаббуслар бўлгон бўлса хам, маатаассуф, натижасиз колгон эди. Бу кунги Самарканд вилояти талабалари учун тузилган ётокхона камбагал талабаларнинг бир оз рохатда ўкушга давом этишларини таъмин кила олса жуда катта хизмат килгон бўлур. Бу ўрунлик килингон харакатни жуда олкишламок керакдир.
Бундан бошка Туркистоннинг бошка шахарларида качонлар бошлангич янги мактаб бинолари куриш харакати кечрак бўлса хам, бошлангич каби кўринадир. Самаркандда авкоф шўъбасининг ва маориф бюросининг ташаббуслари диккатга шоёндир. Кизлар маорифи хам бу йил ўтганлардан кўра жиддийлашгандир. Ёздаги курсдан истифода этган хотин-кизлар борлиги кўриладир. Бу йил эса кизлар мактабининг ададини ортдирмок харакати кўриладир.
Юкоридаги сатрларни ўкугонлар албатта сезадирларким, маориф ишлари тўгрисида халигача ёзилгон нарсаларга карагонда бу кунгиси бошкачарокдир.
Халигача биз у керак, бу керак деб эдик. Бугун эса килгон ишларимизнинг натижасини кўриш билан кувонамиз. Албатта, бу ишларга фаолият билан киришган маориф доираларини кутлаймиз.
Энди келамиз нашриёт ишларига: Бу йил бу майдонда килинатургон мухим ишлар бор. Фурсатни кўлдан кочирмаслик ва ташаббусни бир оз ортдириш соясинда албатта кўб ишлар килиш мумкиндир. Мактаб китоблари хозирлаш масаласи илмий хайъат томонидан кўрилаётган бўлса хам халигача майдонга чикгони кўрилмайдир. Тайёрлангон мактаб китобларини тезрок босдиришга харакат килиш керакдир. Буни эса ёлгиз илмий хайъатга топшуруб ўлтириш хатодир. Хар ердаги маориф бюролари бунинг оддий жихатини таъмин килишга ёрдам берсалар, биз аминмизким, илмий хайъатнинг ишлари тезрак майдонга отилгон бўлур. Чунки бизнинг илмий-адабий сохамиз хозир жуда кийин ва ишламаган холдадир. Буни ишлаш кўб захматларга ва бу захматлар эса, табиий, моддий таъминотга богликдир.
Биз доимо хгшкни окартиш кераклигини такрор киламиз. Факат бу тўгрида жиддий харакат килмаймиз. Бир ёкдан халкни хат ва саводли килишга тиришамиз. Факат хат ва

саводликларимизнинг кандай нарсалар ўкушларини хотирга келтурмаймиз. Канча кам бўлса бўлсун бизда хат ва саводлик кишилар бор. Уларнинг мутолаа килатургон нарсалари эскидан бизга маълум. Инкилобдан илгари Туркистоннинг хар кайси шахрида шу мутолаачиларни таъмин килатургон асарлари узулмасдан босдирилиб, таркатилиб турар эди. Холбуки, бу етти йилда хеч бир мутолаага яроклик нарса хеч бир ерда босилмади. Яримчик газеталар, бир чикиб ётатургон бир неча сон мажаллалардан бошка хеч нарса бўлмади. Холбуки, ўтган йилларга карагонда хозир мутолаага хавасли кишилар кўпайган ва кундан-кун кўпаймакдадир. Хозир эски вактда бўлмагон бир муаллимлар зумраси борким, булар учун мутолаа китоблари хаёт масаласидир. Мажаллаларимизда таълим-тарбияга оид арзимас, илмий бўлмагон маколалардан бошка нарса йўкдур. Халигача муаллим
кўлида рахбар бўларак нарса йўкдир. Бизда асар ёзатургон киши йўк экан, таржима кила олатургонлар хар вакт топиладир. Энг мухим нарсаларни чет тиллардан таржима килиш керакдир. Бу кун мактабларни тузатиш учун энг биринчи масала, муаллимларни кучайтиришдир. Бу эса таълим-тарбияга оид илмий асарлар билан ва махсус бир таълим-тарбия мажалласи воситаси билан бўлиши мумкин. Буни очик билиш керакдирким, Туркистоннинг бошига келган балолардан кутулиш ёлгиз маориф оркасидагина бўладир. Бу муаллимлар зумрасидан бошка хукумат доираларида ишлайтургонлар, талабалар, янги хат ва саводлари чикгон ишчилар кўпаймакдадирким, буларга хам табиий ўларок, эхтиёжларини таъмин этарлик мутолаа китоблари керакдир. Овруполикларда хукумат идораларидан бошка хусусий ширкатлар тарафидан хам кўб яхши нарсалар босдирилиб таркатилмокдадир. Биз шулар орасида бизга ва бизнинг маишатимизга тўгри келадиган рўмонлар, хикоялар ва турли-турли китобчалар олсок мумкиндир. Буларни таржима килиш ва б
осдириш лозим. Ман ўйлайманким, хозирда бундай нарсалар кўб таркаладир. Ўтканларда бўлгон каби зарар килинмаса керак.
Халигача Туркистоннинг бир тарихи ва жугрофияси босилмагондир. Бутун туркистонлилар учун биринчи даражада ўз мамлакатларини танишлари лозим бўлса, хали бундан махрумдирлар. Бухоро назорати тарафидан бир-икки тарих китоби таржима килингон ва ёздирилгон бўлса хам халигача босдирилмагони кизикдир. Туркистонда таржима килдириш кийин экан, Бухорода тайёр асарни тайёр матбаа ва асбоб бор экан, босдирмай туриш жуда катта жиноятдир. Айникса, Бухоро инкилобига оид Туркистонда бирдан-бир ёзилгон асарким, унинг Туркистон учунда ахамияти буюкдир. Халигача босилмай туриши нашриёт ишлари билан машгул кишиларнинг тушунмасликлари бўлмаса нима бўла олур? Истар Бартолд ва Вамбери асари бўлсун, истар С. Айний асари бўлсун, мукаммал бир Туркистон тарихи бўла олмасалар хам мухим материаллар бера оладирлар. Бухоро хукумати ўз асарларини босдириш билан ўз тарихида энг мухим бир иш килгон бўла олади. Факат афсуским, бу сохада жуда кеч колди.
Бу йил тагин бошка бир килинадургон иш бор. Буда Навоий эсдалигидур. 1925-нчи йилда шу чокларда машхур шоиримиз Навоийнинг тугилганига беш юз йил тўладир. Унинг шарафига бир тантанали тўй ясаш керакдир. Бу бир йил муддатида Навоийнинг мукаммал таржимаи холи ёзилиши ва ясалиши лозим. Унинг аслига мувофик расмини тайёрлаш керакдир. Мумкин бўлса, жуда топилмайтургон бир асарини билдириш ва Навоийнинг кичик, кўлда бир мунтахаб шеър мажмуасини таркатиш керакдир.
Хар миллат ўзини буюк кишилари билан исбот киладир. Хозирги вактимизда фахр

килатургон кишиларимиз йўк экан, бир оз тарихимиздагиси билан мактанайлик. Бу мактаниш бўш бир нарса бўлиб колмас. Ўшал буюк кишиларни етишдирган ўлка хозир хам бор. Ўшал истеъдод хозир хам яширин хазина каби ўлкамизнинг бурчакларида турибдир. Биз бошларимизни бир оз карасак, юзидаги зангларни, догларни силасак, яна хаёт майдонига чикамиз. Мана шу «баъс баъдалмавт»га (кайта тирилишга — Б.К.) эришмак учун бир оз харакат керакдир. Шу харакатни буюк кишиларимиздан оламиз. Ва шу йўлга ишониб кирамиз. Бу йўлда ишлаш учун хар шахарда — Бухоро хам шунинг ичида - турлик комиссиялар тузилиши керакдир. Буларнинг биргалашиб, бир хатти-харакат билан ишга киришишлари керакдир. Муваффакият ташаббусга богликдир.

_____

Вадуд Махмуд «Маорифимиз, нашриётимиз» деган маколасини Москвадалиги пайтида ёзган бўлиб, сарлавхадан кейин кавс ичида «Масковдан мактуб» деган кўшимча бор. Макола В.М. имзоси билан «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 14 октябр сонида босилиб чиккан.